

МИЛЛИЙ АКЦИЯДА ФАРФОНАЛИКЛАР ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Вилоят ҳокимлиги ва "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ҳудудий бўлинмаси томонидан шаҳар ва туманларда "Янги Ўзбекистон - янги сайловлар" миллий акцияси бўлиб ўтмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистон муҳим сиёсий тадбир арафасида турибди. 22 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари учун сайловлар бўлиб ўтади. Илк бор янги қабул қилинган Сайлов кодекси асосида ташкил этилаётган бу жараёнга халқаро ташкилотлар ва кузатувчилар ҳам катта қизиқиш билан қарамоқда.

Сайлов -бу фуқароларнинг сайлов компаниясида иштирок этиш йўли билан сайлаш ва сайданиш ҳуқуқини амалга ошириш шаклидир. Шу билан бирга, сайловга тайёргарлик қўриш ва сайлов кунида фуқароларнинг ҳуқуқий-сиёсий фаоллиги ҳам яққол намоён бўлади. Бугунги кунда фуқароларни, хусусан, ёшларни миллий сайлов қонунчилигимиз билан таништириш, уларнинг фаоллигини ошириш ҳам муҳим вазифалардан биридир.

Фарғона шахридаги кўп тармоқли спорт мажмуасида ташкил этилган акцияда аҳоли ва ёшлар ўзларининг фаоллигини яна бир бор намойиш этди. Мазкур тадбирда сиёсий партиялар вакиллари, санъаткорлар, жаҳон ва мамлакат чемпионлари ва турли танловлар ғолиблари ва ёшлар қатнашди.

Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Ф. Қосимов, Марказий сайлов комиссияси аъзоси О. Қозихонова, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари С. Исломов ва бошқалар бўлажак сайловлар кўп партиявийлик, шаффофлик ва демократик тамойиллар асосида ўтказилаётганлигини таъкидлашди.

Иштирокчиларга сайловлар ҳақида қизиқарли маълумотлар тақдим этилди. Сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари, Сайлов кодексидаги янгиликлар акция иштирокчиларини бефарқ қолдирмади.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

2019-12-14 12:54:25